

Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри базаси маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига иқтисодиётнинг барча тармоқларида рўйхатга олинган юридик шахслар сони (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) 16452 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 15533 тани (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 94,4 фоизини) ташкил қилди.

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (22,8 фоизи), саноат (14,6 фоизи), қурилиш (9,9 фоизи), қишлоқ ўрмон ва балиқ хўжалиги (9,7 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига корхона ва ташкилотлар иқтисодиёт тармоқлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

| | Рўйхатга олинганлар | | Фаолият кўрсатаётганлар | |
|--|---------------------|---------------------------|-------------------------|------------------------------|
| | бирлик | яқунга нисбатан фоизда | бирлик | яқунга нисбатан фоизда |
| Жами | 16452 | 100,0 | 15533 | 100,0 |
| шу жумладан: | | | | |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 1596 | 9,7 | 1452 | 9,4 |
| саноат | 2407 | 14,6 | 2274 | 14,6 |
| қурилиш | 1635 | 9,9 | 1523 | 9,8 |
| савдо | 3748 | 22,8 | 3514 | 22,6 |
| ташиш ва сақлаш, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 2069 | 12,6 | 1941 | 12,5 |
| ахборот ва алоқа | 216 | 1,3 | 205 | 1,3 |
| соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 421 | 2,6 | 414 | 2,7 |
| бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш | 4360 | 26,5 | 4210 | 27,1 |

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 87,5 фоизи нодавлат мулки, шундан 20,9 фоизи хусусий корхоналар, 0,6 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,3 фоизи акциядорлик жамиятлари, 65,7 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.


Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:



2017 йил январь-сентябрь ойларида жами 1644 та хўжалик юритувчи субъектлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг асосий қисми Бухоро шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 33,0 фоизи), Ғиждувон (10,9 фоизи), Ромитан (9,2 фоизи), ва Бухоро (7,0 фоизи) туманларига тўғри келади.

2017 йил январь-сентябрда иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



■ Давлат сектори
■ Нодавлат сектори